

Исмат ўзига келиб, атрофдагиларга назар солди. Сўнг кўлидаги пичоқ билан кўчага югурди. Эски новвойхона биносига кириб, бироз ўтирди. Нима бўлганини ўзича идрок этмоқчи бўлди. Нега ўз акасига тиг кўтарди? Наҳотки ўз жигарининг қотили бўлса? Энди нима бўлади? Отасига нима дейди, онасига, жиянларига-чи?..



"Иштаҳаси карнай" бўлиб бораётган К.Расулов ўн олти нафар фуқаронинг уй-жойига чиқарилган қарорлардан кўнчирма нусха олиб бериш учун архив директориغا 4800 АҚШ доллари келтириб беришни талаб қилади. Ундан аввалги қарорлардан кўчирмаларини ҳам қанузгача ололмаган С.Тошқулов ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилади.



Mustaqillik huquq demakdir

Ўзбекистон



1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 17-noyabr, №46 (1035)

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун



Ифтихоримиз ТИМСОЛИ

Мана, йигирма беш йилдирки, давлатимиз байроғи ҳар бимизнинг фахру гуруримиз, тинч ва осойишта, озод ва эркин ҳаётимиз рамзига айланган. У мамлакатимиз мустақиллигини эътироф этиш билан бир қаторда, эришган ютуқларимиз сабаб жaxon узра баланд ҳилпираб, қалбларимизни чексиз фахрифтихор ва гурурга тўлдирмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи бугун давлат идора ва муассасалари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар қароргоҳларида, чет эллардаги элчихона ва доимий ваколатхоналаримизнинг пештоқларида ҳилпираб турибди. Байроғимиз тасвири туширилган замонавий ҳаво кемаларимиз Ўзбекистон номини сайёраимиз узра намоён қилмоқда.

Болалар боғчалари, мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежларида душанба кунги сабоқлар ҳам Давлат байроғининг тантанали равишда кўтарилиши билан бошланади. Бу эса ёшларимизнинг Ватанга, давлат рамзларига бўлган меҳр-муҳаббатини, илқ муносабатини янада оширади.

Айниқса, халқаро спорт беллашувларида голиб бўлган спортчиларимиз шарафига юртимиз байроғи баланд кўтарилган онларда вужудимизни чўқур ҳаяжон қамраб олади, ҳеч қимдан кам эмаслигимизни ҳис этамиз. Ҳарбий хизматни ўташга киришган мард ва жасур ўғлонларимиз Ватанга содиқликларининг изҳори сифатида байроғимизни тавоф этиб, қасамёд қилишлари ҳам беҳиз эмас. Шундай экан, озод ва обод Ватанамизнинг байроғи ҳам бизни улғу мақсадлар сари бошловчи буюк машъаладир.

Парламентда

Янги қонун лойиҳаси юзасидан фикрлар билдирилди

Маълумки, давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодийтини ривожлантириш мақсадига турли тармоқларга инвестиция қилиш учун, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга ҳамда ижтимоий вазифаларни бажаришга, шунингдек, давлатни бошқариш, мудофаяни таъминлаш каби мақсадларга йўналтирилади. Ўзбекистонда давлат харидининг ҳажми яли ички маҳсулотнинг 11 фоизини ташкил этгани, унинг иқтисодий ўсишига таъсир этувчи муҳим омил эканлигини кўрсатади.

Бугунги кунда мамлакатимизда бу муҳим механизмнинг маълум ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 121-моддасида давлат харидлари тизимининг асосий қоидалари акс эттирилган. Шунингдек, соҳага оид 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд.

Жорий йилнинг 11 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмиталари томонидан ташкил этилган "Давлат харидлари шаффоғлиги ва самарадорлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари: ҳолати ва истиқболлари" мавзусидаги давра сўхбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик, идора-

ларнинг раҳбарлари, мутахассислар, тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Давра сўхбати иштирокчилари давлат хариди қонунчилиги ҳамда тизимининг ҳолати ва асосий муаммолари, электрон давлат харидининг шаффоғлиги ва самарадорлигини таъминлашдаги ўрни, давлат хариди соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш йўналишлари масалаларини батафсил муҳокама қилдилар.

Тадбир иштирокчиларининг таъкидлашича, давлат харидлари тизими фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат хизматларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши Ҳукуматнинг асосий мақсадлари этиб белгиланган.

Бу борада қонунчиликнинг такомиллаштирилишида давлат

харидларини рақобат асосида амалга оширишнинг шаффоғлиги ва очик механизми, ушбу соҳада коррупциянинг олдини олиш чоралари, давлат харидларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш, давлат харидлари тизимини қўллас мажбурий бўлган субъектлар доирасини кенгайтириш, давлат харидлари иштирокчилари учун шикоят қилишнинг мустақил ва самарали тизими ҳамда тартибини яратиш, электрон харидлари янада ривожлантириш, натижаларини таҳлил қилиш учун ягона маълумотлар базасини, харидларнинг зарурий параметрларини жорий этиш масалалари долзарблиги ҳамда қонун даражасида акс эттирилиши муҳим.

Давра сўхбати давомида "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси концепцияси ва матнда нималар акс эттирилиши юзасидан иштирокчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар қизғин муҳокама қилинди.

Тадбир якунида давлат хариди соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўз муҳбиримиз

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш долзарб аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонун билан белгиланади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш ҳуқуқи фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқи ҳисобланганлиги боис, сайловни ўтказишнинг мазкур қонунда назарда тутилган қоидалари ҳамда тартибини бузувчи шахслар белгиланган йўсинда жавобгар бўлади.

Бу эса сайлов жараёнида фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқларини чеклаш, сайловларни ўтказиш вақтида овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ҳужжатларини қалбақлаштириш, сайлов ёки имзо varaқаларига сохта ёзувлар киритиш, бе-

рилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш каби ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қонун талабларидан келиб чиқиб, жавобгарликка тортиш учун қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади:

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва Президентликка сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини эркин равишда амалга оширишига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатиши;

— сохта сайлов ҳужжатлари тузиш, овозларни атайин нотўғри санаб чиқиш, овоз бериш яширинлигини бузиш ёки "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг бошқача тарзда бузилишига йўл қўйиш;

— номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган сохта маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа

йўсинда тарқатиш;

— сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳақоратомуз муносабатга йўл қўйиш.

Мазкур қонунга мувофиқ, шунингдек овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек овоз бериш кунини жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштириш ҳам тақиқланади.

(Давоми 3-бетда)

Ҳурматли юрtdoшлар!

2017 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.



Ҳафтанинг 231



Конституциявий ҳуқуқ кафолати

Конституциямизнинг 117-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳоқимияти вакилик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Президенти сайловида ҳам ушбу қоида ва тартибларга қатъий риоя этилган ҳолда тайёргарлик кўрилмақда. Хусусан, имконияти чекланган фуқароларнинг сайловда иштирок этиши ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун зарур шароитлар яратилмоқда.

— 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси ҳамда вилоятдаги сайлов участкаларида имконияти чекланган шахсларнинг сайлов оид қонунчилик ва сайлов кампаниясининг бориши билан танишиши учун барча имкониятлар яратилган, — дейди 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси аъзоси Баҳром Эгамбердиев. — Комиссиялар жойлаш-

ган биноларга киришда улар учун махсус йўлақлар — пандуслар ташкил этилган. Комиссия аъзолари ва экспертлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида жойларда сайлов қонунчилиги тарғиботи юзасидан ўтказилаётган семинар, учрашув ва давра суҳбатларида имконияти чекланган шахслар ҳам тақдир этилмоқда. Ушбу тадбирлар тафсилоти сурдо таржимаси орқали иштирокчиларга етказилмоқда. Бу йилги сайловда кўзи оғирлар учун брайль алифбосида сайлов бюллетенлари чоп этилиши ва вилоятда мазкур тоифадаги сайловчилар сонини ҳисобга олиб, Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилдик.

Ўзбекистон кўзи оғирлар жамияти Самарқанд вилояти бўлими раиси Садрриддин Пўлатовнинг қайд этишича, жамият аъзолари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови кампанияси юзасидан кенг қўламли тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Яқинда Самарқанд шаҳрида хотин-қизлар, кексалар, ногиронлар, турли миллатлар вакиллари учун ўтказилган "Фуқароларнинг ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтириш — демократик сайловларнинг муҳим омили" мавзусидаги семинар-тренингда ҳам улар фаол иштирок этди, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Шундай тадбирлар бошқа ҳудудларда ҳам ташкил этилмоқда. Айтилган пайтда вилоятда брайль алифбосидан фойдаланувчи 2 минг 400 нафардан зиёд сайловчи учун махсус сайлов бюллетенлари берилиши

уларнинг ўз конституциявий ҳуқуқини эркин ва бекаму кўст амалга оширишига хизмат қилади.

— Юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кўрилатган тайёргарлик ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали ҳамда жойларда ўтказилаётган тарғибот тадбирларида зарур маълумотлар олмақдамиз, — дейди Оқдарё тумани Қирқдархон маҳалласида яшовчи Темурали Жумаев. — Президентликка номзодлар ва уларнинг дастури билан танишиб, энг муносиб номзодга овоз беришга ҳозирлик кўрмоқдамиз. Бу галги сайловда илк бор биз учун брайль алифбосида ҳам сайлов бюллетени чиқарилиши сайлов қонунчилигида белгиланганидек, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериши миз учун катта имкониятдир.

Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎЗА

Ушбу қоида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунда ҳам мустаҳкамланиб, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга экани белгилаб қўйилган. Ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳолига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулоти тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси

Истиқлол биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-оадат ва анъаналаримизни, буюк аجدларимизнинг табарруқ номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар эшигини очиб беради.

Ҳар биримизнинг бурчимиз

Шухрат ЗОИРОВ,
Бухоро ҳарбий прокурори

Мустақиллигимиз шарафати билан ҳар томонлама ривожланиётган, барча соҳаларда юқори суръатларда тараққий этаётган, жаҳон майдонида "Ўзбек модели" деган ўз йўлига, дунё сиёсатида эса ўз ўрни ва ўз сўзига эга бўлган, том маънода инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига содиқ ва уни амалда намойиш этаётган, адолат маъноси остида тинчлик йўлидан оғишмай илдам бораётган давлатга айландик.

Сир эмас, осойишталигимиз ва эришган ютуқларимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг қадрига етиш ва келажак авлодга етказиш учун аввало оғоҳликни қўлдан бермаслик кераклиги айтилган ҳақиқат. Узини шу юртнинг фарзанди деб ҳисоблайдиган ҳар бир киши ҳаётини халқининг равнақи бағишлайди, юрт дахлсизлиги, тинчлиги ва хавфсизлиги учун тинимсиз курашади, бу йўлда керак бўлса жонини ҳам аямайди.

Бизнинг тинч ва тотув яшаётганимизни кўра олмаётган қимсалар турли ниҳоллар остида халқимизни, айниқса, ёшларимиз қалбини заҳарлашга уринмоқдалар. Ноанъанавий таҳдидлар халқаро мижозларнинг қиёфасини бутунлай ўзгартирмоқда ва инфо-мацион-психологик хуружлар сезиларли хавфхатар тугдирмоқда.

Шунинг учун бугунги глобаллашув шароитида давлатимиз хавфсизлигини, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, доимо хушёр яшаш биринчи галдаги вазифамиз эканини бир зум бўлса-да, ёддан чиқармаслигимиз зарур. Бу ҳарбий прокуратура органлари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ҳам бош мақсади ҳисобланади.

Бухоро ҳарбий прокуратураси томонидан Бухоро гарнизонидagi ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида "Тинчлик ва осойишталикни асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир" мавзусида йиғилиш ўтказилди. Унда Бухоро ҳарбий прокуратураси ҳамда Бухоро Давлат университетини профессор-ўқитувчиларининг мавзуга оид маърузалари тингланади, муҳокама қилинди. Тадбир давомида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига янги қабул қилинган қонунлар, фармонлар, қарорлар ҳамда қонунларга киритилган сўнгги ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида тўлиқ тушунтириш берилди. Шунингдек, бошқа ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳам ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида бу каби қонунчилик тарғиботи тадбирлари олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қадамда ва ҳар сонияда хушёр ва оғоҳ бўлиш, Ватанга муҳаббат ва садоқат билан, Ватан тақдирини дахлдорлик ҳисси билан яшаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Моддий неъмат яратувчи

Искандар МАҲМУДОВ,
Наманган шаҳар прокуратураси терговчиси



Иқтисодиётимиз равнақи ва эл-юрт фаровонлиги жараёнида фаол иштирок этиш мақсадида майдонга чиққан тадбиркор-ишбилармонлар, кичик бизнес соҳаси вакиллари ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш тобора долзарблик касб этмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини кўзлаб қабул қилинаётган қонунлар, улар фаолиятининг ривожини учун яратиб берилаётган қўлайлик ва имтиёзлар, кенг имкониятлар ўз самарасини бермоқда. Барча соҳалар қатори мазкур йўналишдаги қонунлар ижроси Наманган шаҳар прокуратурасининг доимий эътиборида. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари яратиб берилаётган имтиёз ва қўлайликлардан қандай фойдаланишига, улар фаолиятига асосан аралашиб, сунъий тўсиқликлар қилиш ҳолатларини ўрганиш мақсадида мунтазам учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Тадбиркорлар қўраётган масалалар атрофлича ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Ушбу

масалага дахлдор идоралар ҳам кенг жалб этилмоқда. Жумладан, "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада қучайтириш бўйича" идоралараро қўшма кўрсатма ижросини таъминлаш ҳамда фаолиятини тўхтатган 690 та хўжалик юритувчи субъект (улардан 49 таси ишлаб чиқариш корхоналари) фаолиятини тиклашда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида шаҳар ҳокимлиги, давлат солиқ инспекцияси, статистика бўлими ҳамда тижорат банклари масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилган эди.

Олиб борилган самарали чора-тадбирлар ҳамда тадбиркорларга зарур ҳуқуқий маслаҳатлар берилиши натижасида қарийб 20 та хўжалик юритувчи субъект ва 40 дан зиёд ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти қайта тикланди. Бугун улар барқарор иш олиб бормоқда. "Муслима", "Отан — 94", "Ҳазина — 2000", "Рапиқ", "Мирзо — 1" кўп тармоқли хусусий фирмалари, "Шахризода Нуртек", "Зулқарнайн", "Жамшид — М" ва "Шухрат" хусусий корхоналари шулар жумласидандир.

Тадбиркор — моддий ва керак бўлса, маънавий неъмат яратувчи, бунёдкорликнинг фаол иштирокчиси. Шундай экан, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қонун доирасида амалий ёрдам кўрсатиш келгусида ҳам доимий эътиборимизда бўлади.

Инсон касб-кори, яхши амаллари туфайли эл-юрт ва ҳамкасблари орасида ҳурмат, эътибор қозонади. Аксинча, тўғри йўлдан алашса, нафс қутқусига учиб мансаб ваколатини сунистемоло қилса, мисқолаб эришган обрў-эътиборидан бир кунда мосуво бўлиши ҳеч гап эмас.

Ножўя қадам

Азизбек КАҲҲАРОВ,
СВОЖДЛКК департаментининг
Шайхонтоҳур туман бўлими
инспектори

Божхона органларида ишлаб, раҳбарлик лавозимларига эришган Даврон Холиков (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ҳам ана шундай ножўя қилмишга йўл қўйди. Юнусобод туманида жойлашган дорихоналардан бирига кирган Д.Холиков ўзини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими,

деб таништирди ва сотувчидан 4 минг сўмлик 2 дона резина қўлқоп сотиб олди ва улар учун сифат сертификатини кўрсатиш талаб қилди.

Дорихона раҳбари К.Салибеков сифат сертификатини кўрсата олмастлигини айтганда, савдо қондалари бузилаётганлиги, текширув ўтказиб, уларни қийин аҳволга солиб қўйиши мумкинлигини айтиб, қўрқитди. Кейин эса текширув ўтказмаслиги учун К.Салибековдан товламачилик йўли билан 1000 АҚШ доллари беришини талаб қилди.

К.Салибеков ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан муро-

жаат қилди. СВОЖДЛКК департаменти ва Ўзбекистон Республикаси МХХ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда Д.Холиков фуқаро К.Салибековдан 500 АҚШ долларини олган вақтда ушланди.

Суд томонидан Д.Холиковга тегишли жазо тайинланди.

Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, дейди халқимиз. Бу нақл замирида ҳамма нарсанинг, шу жумладан, оила бағрида хотиржам яшашнинг, мисқолаб йилган обрў-эътиборнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлашга ундов бор. Шундай экан бугунги бахтинизнинг қадрига етинг. Токи фарзандларинизнинг истиқболига болта уриб, сўнгги афсусланишга ўрин қолмасин.



Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

/Давом.
Бошланиши 1-бетда/


Ушбу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш фуқароларнинг конституций ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган жиноятлар сифатида эътироф этилиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида белгиланган жазо чоралари қўлланилади. Масалан, сайловни ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамок ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли ваколатларининг амалга оширилишига тўқсинлик қилиш эса уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамок ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатимизда сайлов қонунчилигининг ривожланиши сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлиқнинг белгиланиши нитакоса этди. Натижада 2014 йил 4 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказуви комиссияларининг қарорларини ижро этмаслик, номзоднинг, ишончли вақилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вақилнинг ҳуқуқларини бузиш, сайловолди ташвиқоти, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш, номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлгон маълумотларни тарқатиш, сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш, сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш, жоматчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижаларини тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлиқнинг белгиланиши халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига муво-

фиқ келади ҳамда сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқларини қўшимча равишда қафолатлашга хизмат қилади.

Шу ўринда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунда сайловчилар рўйхатидаги ноаниқликлар хусусида шикоят қилиш ҳуқуқининг қафолатланганлигини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим. Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ,



сайловчиларнинг рўйхатлари сайловдан ўн беш кун олдин, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда, санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда, қамоқда сақлаш жойларида турзилган сайлов участкаларида эса сайловдан икки кун олдин ҳаммининг танишиб чиқиши учун тақдим этилади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан қарда ва қачон танишиб мумкинлиги ҳақида сайловчиларга хабар беради.

Қонунда ҳар бир фуқарога рўйхатга киритилмаганлик, нотўғри киритилганлик ёки рўйхатдан чиқарилганлик юзасидан, шунингдек рўйхатда

сайловчи тўғрисидаги маълумотларни кўрсатишда ноаниқликка йўл қўйилганлик хусусида шикоят қилиш ҳуқуқи берилмади. Бу масалага доир ариза участка сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади, аризани участка сайлов комиссияси кечи билан йигирма тўрт соат ичида, сайлов арафасида ва сайлов кунга эса дарҳол кўриб чиқиб, рўйхатга зарур тузатишлар киритиши ёки аризагаги унинг талаби инобатга олинмаганлиги тўғрисидаги асосланган қарорнинг бир нусхасини бериши шарт. Комиссия қарори устидан туман (шаҳар) судига сайловдан кечи билан уч кун олдин шикоят қилиниши мумкин, туман (шаҳар) суди шикоятни йигирма тўрт соат ичида кўриб чиқишга мажбур. Туман (шаҳар) судининг қарори қатъий бўлиб, участка сайлов комиссияси суднинг қарорига мувофиқ сайловчиларнинг рўйхатида дарҳол тузатиш киритиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, суд амалиётида сайлов комиссиясининг қарори устидан берилмаган қарорлар жуда кам учрайдиган маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар туркумига кирсада, бундай ишлар ҳам судларга тааллуқли эканлиги белгиланган. Сайлов комиссиясининг қарорлари устидан берилган шикоят бошқа туркумдаги шикоятлардан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турганлиги боис, улар суд томонидан шикоят жавобларини кундан кундан эътиборан уч кундан ке-

Илхомжон ХОДЖАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

чиктирмай кўриб чиқиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексида мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур шикоят суд томонидан аризининг ва тегишли сайлов комиссиясининг вақилини, агар шикоят аризагаги эмас, балки бошқа фуқарога дахлдор бўлса, ўша шахсни ҳам қақирган ҳолда кўриб чиқилади. Фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқи — сайлов ҳуқуқи билан боғлиқ масала ҳал этилаётганлиги боис ушбу туркумдаги ишларда прокурорнинг иштирок этиши мажбурий саналади.

Суднинг сайлов комиссияси қарори устидан берилган шикоят бўйича чиқарган ҳал қилув қарори сайловчилар рўйхатидаги ноаниқликларни тузатиш ёки ўзгартириш киритиш учун асос бўлади ҳамда ҳал қилув қарори чиқарилиши биланқ дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва аризагаги топширилади.

Шундай қилиб, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ёки бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўрасида миллий қонунчилигимизда халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган норма ва принципларига тўлиқ жавоб берадиган қафолатлар мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса демократик сайлов жараёнларини ташкил қилиш ва ўтказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Инсонпарварликнинг амалдаги ифодаси

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мазмун-моҳияти суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, олий қадрият бўлган инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган. Буни жинсий жазоларнинг либераллашуви, мулкни мусодара қилиш жазосининг чиқариб ташланиши, қамоққа олиш тарзидаги эътиёт чораси ва амнистия актларини қўллаш ваколатининг прокуратурадан суларга ўтказилиши, лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳамда у ерда бўлиш мудаатини узайтириш тарзидаги процессуал мажбурул чораларини фақат суднинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг белгиланиши кабиларда кўришимиз мумкин. Қонунларимизга сингдирилган инсонпарварлик тамойили амнистия актларида яққол кўзга ташланмоқда.

Истиклолнинг дастлабки йиллариданоқ халқимизга хос бўлган инсонпарварлик, кечиримлик, бағрикенглик каби қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда амнистия актлари эълон қилиниб келинмоқда. Ўн минглаб маҳкумлар жазони ўташ жойларидан озодликка чиқарилди, яна минглаб маҳкумларнинг ўталмаган жазо мuddатлари қисқартирилди. Ушбу анъананинг давомий сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республика Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Маҳкумларнинг жазодан, қамок жойларидан мuddатидан олдин озод қилиниши, уларнинг ўз оилалари бағрига қайтарилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига ҳурматнинг, шунингдек, билиб-билмай йўлдан адашган фуқароларимизни қайта тарбиялаш, ўз оиласига ва жамиятимизга фойдаси тегадиган инсон бўлишларига имкон беришининг амалий ифодасидир. Кези

келганда таъкидлаш жоиз, дунёнинг ҳеч бир мамлакатида, ҳаттоки ривожланган давлатларда ҳам бундай оммавий равишда амнистия қўлланмайди. Давлатимизда ҳар бир фуқарога нисбатан алоҳида эътибор қаратилаётгани, амнистия актига биноан адашганларни тўғри йўлга йўналтириш, бундан кейин ҳалол ишлаб яшаш имкони ҳавола этилаётгани диққатга сазовор жараёндир.

Амнистия ҳақидаги қарорни қўллаш ижро этувчи идоралар зиммасига алоҳида масъулият юқлайди. Фарғона вилоят прокуратураси томонидан қарор ижроси ўз вақтида ва тўқис таъминланиши устидан назорат кўчайтирилиб, прокурор ўринбосари раҳбарлигида тезкор гуруҳ тузилди. Унинг таркибига қарор ижросини таъминлашга масъул бир қатор давлат органларининг ходимлари киритилди. Тезкор гуруҳ зиммасига амнистия тўғрисидаги қарорнинг ҳар бир маҳкумга нисбатан ҳолисона қўлланиши устидан назорат қилиш, ушбу жараёнда қонун бузилиши ҳолатла-

рининг олдини олиш вазифаси юқлатилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг қарорига кўра жазодан озод этилган шахсларнинг ижтимоий кўникмаси ва ҳимоясини таъминлаш бўйича ташкил этилган Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси, ижтимоий кўникма маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари, Инсон ҳуқуқлари бўйича вақилининг (Омбудсман) вилоятдаги минтақавий вақили, ички ишлар, адлия бошқармаси ҳамда бошқа мутасадди идоралар вақилларидан иборат вилоят комиссияси иш олиб бормоқда.

Бу сафарги амнистия акти бир қатор жиҳатлари билан аввалгиларидан фарқ қилади. Хусусан, фуқароларга ва ижро этилишига масъул бўлган мансабдор шахсларга мазмун-моҳияти таниш таъминлаш мақсадида амнистия тўғрисидаги қарорнинг ҳар бир бандида қайси тоифадаги шахсларга нисбатан ушбу банднинг татбиқ этилмаслиги алоҳида белгилаб қўйилди.

Маълумки, ўтган йилларда қабул қилинган амнистия актларида озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо мuddати икки йил олти ойдан кўп бўлмаган маҳкумлар жазодан озод қилиниши назарда тутилган эди. Жорий йилдаги амнистия актига мувофиқ ўталмай қолган жазо мuddати уч йилдан кўп бўлмаган маҳкумлар жазодан озод қилиниши белгиланди. Озод

Бахтиёржон ИСМОИЛОВ,
Фарғона вилоят прокурорининг ўринбосари

қилинмайдиган шахсларнинг жазо мuddати тегишли тартибда қисқартирилади.

Шунингдек, ушбу амнистия акти ўзганин мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш ва фибрибгарлик жиноятларини содир этиб, моддий зарарини ушбу қарор эълон қилинган кунга қадар тўлиқ қоплаган шахсларга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилди. Мазкур талаб билан ушбу жиноятлар бўйича етказилган моддий зарарларнинг қопланиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат ва жамият манфаатларининг ҳимоя қилиниши таъминланади.

Жорий йилдаги амнистия акти қасддан одам ўлдирish жиноятини содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги белгилаб қўйилди.

Қарор татбиқ этилишига масъул ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари иштирокида жойларда ташкил этилаётган ўқув семинарларида ушбу амнистия актининг ўзига хос хусусиятлари ва аввалгиларидан фарқли жиҳатларига эътибор қаратилмоқда, аниқ ва бехато қўллаш хусусида йўл-йўриқлар берилмоқда. Жазодан озод этилиб, яшаш жойига қайтганлари тиббий кўриқдан ўтказиш, соғломлаштириш, фуқаролик паспортлари бериш ва рўйхатга қўйиш, бандлигини таъминлаш ишлари прокуратура органлари томонидан доимий назорат қилиб боришмоқда.

Тараққиётимиз асоси

Мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамият барпо этиш мақсадида қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий кафолати сифатида намоён бўлмоқда. Чунки демократик ҳуқуқий давлатда ҳар қандай масала қонунлар асосида адолатли йўл билан ҳал этилади. Ушбу қонунларнинг ҳуқуқий асоси, бош манбаи эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланади. Яъни Конституцияда мавжуд бўлган қоидалар негизда бошқа қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинади.

Бахтиёр КАДИРОВ,
Бош прокуратура бошқарма
катта прокурори

Президентлиги сайловиغا кизгин тайёргарлик кўрмоқда. Ушбу масала Бош Қонуни-мизда ҳам ўз аксини топган бўлиб, хусусан, унинг 117-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органлариغا сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоши-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади..."

...Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар...

Суд томонидан муомаллага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди", деб белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, олдимизга қўйилган мақсад ва вазифалар амалда ўзининг тўлақонли ечимини топиши учун ҳар бир фуқаронинг Конституция ва қонунларга амал қилиш зарурлигини ҳис қилиб яшашига, уларни тушуниши ва ҳурмат қилишига эришишимиз зарур. Бу эса ўз навбатида, қурилаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонига ва фуқароларнинг ҳаёт тарзига айланиши даркор.

айтмоқчиман. Токи униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида яширган улкан тарихий ютуғи эканини англаб етсин", деган эдилар.

Ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиши ва уларни амалга ошириши эса қонунчиликни мустаҳкамлашга ҳам ёрдам берадиган муҳим омилдир.

Мана, санокли кунлардан кейин халқимизнинг тинч ва фаровон турмуш кечириши, демократик ҳуқуқий давлат куриш ҳамда фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлиги, шунингдек, ҳуқуқ ва эркинликларининг мустаҳкам кафолати бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганга 24 йил тўлади. Ҳеч бир мулоҳазасиз айтиш мумкинки, Бош Қонунимиз олдимизга қўйилган мақсад сари оғимай боришда, белгиланган муҳим вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Йиллар ўтгани сайин Асосий Қонунимизнинг ҳаётимиз, тараққиётимиз учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканлиги, таъналар йўлимиз нақадар тўғри эканлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Айни кунларда халқимиз 4 декабрда бўлиб ўтадиган ўта муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати" да Бош Қонунимизга "Конституция — белгилаш, қарор қилиш, тайинлаш. Давлатнинг юксак юридик кучга эга бўлган асосий қонуни. Барча жорий қонунларнинг асоси", дея таъриф берилган. Шунингдек, қайд этиш лозимки, Конституцияни ўрганиш, уни англаб етиш, аввало, ҳар бир фуқарога ўз ҳуқуқларини танитади. Ҳуқуқни таниган инсон эса ўз ҳуқуқи ва эркинлигини қандай ҳимоя қилишни яхши билади. Бузилган ҳақ-ҳуқуқини тиклаш ёки ўз ҳуқуқидан фойдаланиш мақсадида тегишли ташкилотларга мурожаат қила олади. Шундай экан, демократик умуминсоний принципларга асосланган, инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият деб ҳисобланишини ўзида мужассам этган Конституцияни барча фуқароларимиз билишлари керак.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов Конституция-сининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида: "Мен Конституцияни болалар богчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик тариксида ўқитишни, олий ўқув юртиларида махсус бир дарс сифатида ўрганишни бугун барча мута-садди раҳбар ва ташкилотла-римизга топшириш сифатида

Юртимизда хусусий мулк шаклининг қонуний эътироф этилиши ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, мамлакатимиз аҳолисининг эркин ва мустақил ҳўжалик фаолияти юри-тишга интилиши ҳамда унинг иқтисодий манфаатлари амалга оширилишига кенг йўл очиб берди. Айниқса, иқтисодий ўсишни янада ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, бандалик муаммосини ҳал этиш, шунингдек, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жа-дал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ривожланиш гарови

Айниқса, сўнгги йил-ларда давлат органла-рининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ара-лашуви чеклашга доир из-чил чоралар кўрилиб, иқтисодий ислохотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси янада тако-миллаштирилди. Натжидада тадбиркорлик субъектларида қулай ишбилармонлик муҳи-ти юзага келиб, улар томони-дан ўз фаолиятлари янада кенгайтириш, иқтисодиётга тадбиркорлик субъектларида қулай ишбилармонлик муҳи-ти юзага келиб, улар томони-дан ўз фаолиятлари янада кенгайтириш, иқтисодиётга хорижий технологияларни кенг жалб қилиш, мамлакат-нинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш орқали соҳада кўп сонли янги иш ўринларининг юзага келиши-га замин яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожла-нишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан ях-шилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фар-мони билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка эр-кинлик бериш, уларнинг фао-лиятига аралашувларни тўд-дан қисқартириш, ҳуқуқбузар-ликларнинг олдини олиш ва профилактикаси самарадор-лигини ошириш барча давлат органларининг биринчи дара-жали вазифаси сифатида мус-таҳкамлаб қўйилди.

СВОЖДЛКК департамен-тининг Хоразм вилоят бош-қармаси томонидан вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва бошқа мутасад-ди ташкилотлар ҳамда кичик бизнес вакиллари иштироки-да Урганч шаҳар ҳокимлигида ўтказилган тарғибот тадбири жараёнида мазкур фармон-нинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини юриштидаги аҳамияти, улар-га тақдим этилаётган имтиёз-лар хусусида сўз юритилиб, қонунга итоаткор тадбиркор-ларнинг ҳуқуқ ва манфаатла-ри ҳар доим давлатимиз то-монидан ишончли кафолат-ланганлиги қайд этилди.

Бундай тарғибот тадбирла-ри самараси ўларок, жорий йилнинг ўтган даврида депар-таментнинг Хоразм вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан тақи-қланмаган ишлаб чиқарш ва тадбиркорлик фаолияти билан яширин шугуллаётганларнинг фаолиятига қонуний тус бериш, уларни тадбир-корликка жалб қилиш бораси-да ўтказилган тадбирлар ҳамда кўрсатилган амалий ёрдам на-тижасида 509 та янги иш ўринлари яратилди.

Хусусан, департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси ҳодимлари томонидан Урганч шаҳрида яшовчи Б.Салаевга

Азамат БОЗОРОВ,
СВОЖДЛКК департаментининг
Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи

тадбиркорлик билан шугулла-ниши учун амалий ёрдам кўр-сатилиши натижасида "Хо-разм тайёрлов савдо" МЧЖ шаклидаги агрофирма ташкил қилиниб, жамият томонидан мева-сабзавот маҳсулотлари-ни сақлашга мўлжалланган 300 тонна сифимли совитгич қуриб битказилди ва мазкур агрофирмада 6 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Маълумки, яширин иқтисодий фаолият соғлом рақобат муҳитига салбий таъсир кўрса-тади. Бошқарма ва ҳудудий бўлимлар томонидан яширин ишлаб чиқариш манбаларини аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган тезкор тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 63 та ҳуқуқбу-зарлик ҳолати аниқланиб, улардан 147,6 млн сўмлик маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Тадбиркорлик субъектлари билан ўтказилаётган учрашу-ларда мамлакатимизда изчил-лик билан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, сиё-сий-ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиликлар, тад-биркорликнинг ҳуқуқий хи-моясига юзасидан қонунчи-лигини ошириш кўшимча ва ўзгарти-шлар ҳақида маълумотлар бе-рилмоқда. Бундан ташқари, ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисида депар-таментнинг Хоразм вилоят бошқармаси ишонч телефон-ларига мурожаат қилишлари мумкинлиги мунтазам равиш-да тушунтирилмоқда. 2016 йилнинг ўтган даврида депар-таментнинг Хоразм вилоят бошқармасига келиб тушган мурожаатларнинг 1232 таси, яъни 89 фоизи бошқарма то-монидан қўриб чиқилиши ва қонуний тартибда ҳал қилини-ши таъминланган.

Бошқарма ва ҳудудий бў-лимлар томонидан тадбиркор-ларнинг қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятига мансаб-отдор шахслар томонидан тур-ли сунъий тўсиқлар яратили-шига барҳам бериш борасида олиб борилган тезкор тадбир-лар натижасида 28 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилиб, тад-биркорларнинг қонун билан қўриқланишига ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Хулоса ўрнида айтиш мум-кинки, кичик бизнес ва хусу-сий тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунга итоат-кор тадбиркорларнинг фаоли-ятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор вазифала-римиздан бири бўлиб қола-веради. Эеро, тадбиркорлик-нинг тараққий этиши ижтимо-ий сиёсий ва иқтисодий бар-қарорликнинг кафолатидир.

Ёшларнинг ҳуқуқий кафолати



Ўз истиқлоли ва озодлигининг қадрини биладиган, уни ҳимоя қилишга қўрби етадиган авлодгина келажакни қўра олади.

Ҳар бир даврда ёшлар жамиятнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб келган. Шу билан биргаликда, ёшлар тарбияси, уларнинг муаммолари илгор фикрли кишилар назаридан четда қолмаган. Ёшларга эътибор бериш, уларнинг таълим-тарбияси, дунёқарашини бойитиш борасида Ўзбекистонда ўзига хос тажриба тўпланган.

Бугунги кунда ёшлар тафаккурда, феъл-атворида, савб-харакатларида янги қадриятлар қарор топмоқда. Ёшларда ҳаётга муносабат тизими ўзгармоқда. Уларнинг қиёфасида янги жиҳатлар шакллана бошлади. Бу эса бе-восита сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда туб янгиланишларга асос бўлмоқда.

Ўзбекистонда ёшлар манфаатларини таъминлаш бўйича ҳуқуқий база мавжуд. Ёшларнинг униб-ўсиши ва камил шахс сифатида камол топиши учун шу йил "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Қонуннинг мақсади ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Дилноза РАЖАБОВА,
Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси

Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга замонавий касб-хунларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш қонуннинг ўзига хос жиҳати бўлиб ҳисобланади. Ёш тадбиркорларни, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишлари тизимли йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Маълумки, соғлом турмуш тарзи — миллий хусусиятларимизнинг асосини ташкил этади. Миллий ва маънавий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар, ёшларни ёт гоғлар таъсиридан асраш, фарб мафқурасининг туб моҳиятини тўғри тушунириш, сезгирлик, уйғоқлик тамойиллари бугун алоҳида аҳамият касб этади.

"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуннинг асосий мазмун-моҳияти республикамиз ёшларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаолигини оширишга қаратилгани билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасида сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тўлақонли тушунириш, ёш авлодни ушбу жараёнларга кенг жалб этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш давр тақозосидир.

Мустаҳкам ҳуқуқий ҳимоя — таракқиёт гарови



Маълумки, собиқ иттифоқ даврида давлат мулки ҳукмрон бўлиб, хусусий мулкчилик давлат сиёсатида зид ҳисобланган. Ҳатто қонунлар ҳам фақат давлат мулкни ҳимоя қилиш билан машғул бўлган.

Мустақилликка эришилгач эса мулкчилик шаклини ўзгартиришга, яъни хусусий мулк, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни йўлга қўйишга дадил киришилди. Ҳаттоки қишлоқ хўжалигида ҳам деҳқон хўжаликлари, фермерлик йўлга қўйилиб, экин майдонлари узоқ мuddатга ижарага бериладиган бўлди. Орадан 25 йил ўтиб, мана, мустақил дидемиз иқтисодиётида яратилаётган миллий бойликларнинг асосий қисми тадбиркорлик соҳаси ҳиссасига тўғри келмоқда. Узоқни кўзлаб бошланган бу сиёсат самараси тўғрисида ҳалқимиз фаровонлиги, юртимиз ободлиги кундан-кун ошиб бормоқда.

Айтиш жоизки, тадбиркорликнинг бу қадар юксак даражада ривожланиши аввало, бу фаолият мунтазам равишда қонун ҳимоясида бўлиб келаётганлиги тўғрисида, Бу борадаги қонунларга, Президенти

фармонлари, қарорлари ва бошқа қонуности ҳужжатларга тезкор замон тақозоси билан тадбиркорлар манфаатига мос ҳолда ўзгаришлар киритиб келинмоқда.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар прокуратура органлари зиммасидаги вазифалар салмоғини янада оширади. Шунинг учун ҳам туман прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектлари билан ҳар ойда 2 марта учрашув очик мулоқот ташкил этилган. Бундай мулоқотларда тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади, уларнинг фаолиятига тўқинлик қилаётган говлар бартараф этилади. Жорий йилнинг ўтган даврида 72 та тадбиркорлик субъекти фаолиятига қонуний кўмак берилди. Фаолият юртимизда 6 та тадбиркорлик субъекти бевоқиф прокуратуранинг ёрдами билан қайта иш бошлади, на-

тижада 8 та янги иш ўринлари яратилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширув якуни бўйича қонун бузилиши ва унинг келиб чиқиш сабабларини, бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга 1 та тақдимнома киритилиб, бир нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, 6 та ҳолатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўқинлик қилинганни аниқланди ва 5 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. 1 нафар мансабдорга нисбатан жиноят иши кўзга-тилди. Жумладан, туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи З.Эргашев тадбиркорлик субъектларига давлат хизмати кўрсатишининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва мuddатлари бузилишига йўл қўйиб, яқна тартибдаги тадбиркор С.Норбоевага туманининг "Бирдамлик" МФЙ худудида 0,02 га ер майдони ажратиб бериш ҳақидаги мурожаатини орадан 10 ой ўтгандан сўнг ҳал этишга киришган. Ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 241¹-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзга-тилди, суд томони-

дан тегишли жазо тайинланди.

Шунингдек, фермер З.Пўлатовнинг "Ўрол Пўлатов" фермер хўжалиги иш ҳақи учун ажратилган 2 млн. 700 минг сўм маблағ банк ходими томонидан ўзлаштириб юборилганлиги тўғрисида мурожаати ҳам ўзининг қонуний ечимини топди. Фермерга етказилган зарар банк ходимидан ундирилиб, унга нисбатан тегишли маъмурий жавобгарлик жазоси қўлланилди.

Бундан ташқари, туман прокуратурасида узлуксиз ишлаб турган ишонч телефони орқали тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатилди. Масалан, "Зоҳид Худойбердиев" МЧЖга банк томонидан 14 фоиз устама тўлаш шарти билан 64 млн. сўм микдорда кредит маблағи чорвачиликни йўлга қўйиш учун ажратилишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришининг асосий омил бўлган тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги ҳуқуқий жараёнлар тобора кенг кўламли касб этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъ-

Уктамжон ЮСУПОВ,
Кизирик туман прокурори

минлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлик таракқиётига, ушбу фаолиятнинг янада мустаҳкам ҳимоясини таъминлашга қаратилгандир.

Туман прокуратураси томонидан туманда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, Кизирик қишлоқ хўжалик касбуна қоллежининг битирувчи талабалари иштирокида ўтказилган учрашувда мазкур фармон талаблари тушунтирилиб, муаммолари ҳақида мурожаат қилган 4 нафар тадбиркорга мутасадди идоралар билан биргаликда шу куннинг ўзида амалий ёрдам кўрсатилди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилувчи қонунларимизни янада либераллаштириш, такомиллаштириш ва айтиш чоғда, бу борада назорат қилувчи органлар, мансабдор шахслар томонидан йўл қўйиладиган қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан муросасиз чоралар қўллаш жараёни давом этмоқда.

Адолат — қонун устуворлигида

Барча соҳаларда қонунийликни таъминлаш адолат тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда фаолият олиб бориш демакдир.

Бахтиёр АБДУРАХИМОВ,
Поп туман прокурори

Мустақиллик йилларида эл-юрт равнақи, ҳалқимизнинг тўқин ва фаровон ҳаёти, янада бахтли ва саодатли келажакни таъминлаш мақсадида энг муҳим ва устувор мақсадга айланган мазкур тамойиллар прокуратура органлари ходимларини ҳамisha, ҳар лаҳза бурча садоқат ва масъулият билан ёндашишга ундамоқда.

Шу нуқтаи назардан "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини назорат қилишга, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини бажаришга, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришга, қишлоқ хўжалигида ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таҳлилларга назар ташлайдиган бўлсак, биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Поп туманида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан санаот маҳсулотлари ишлаб чиқариш 100,4 фоизга, шу жумладан, ҳалқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш 111 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 105,1 фоизга, қурилиш-монтаж ишлари 109,2 фоизга, чакана савдо айланмаси 122,5 фоизга ўсгани ҳар соҳада қонунчилик ижроси муҳим ва устувор аҳамият касб

этанглиги натижасидир.

Бундай натижаларни иқтисодиётимиз равнақида тобора ҳалқ қилувчи ва муҳим ўрин тутаяётган тадбиркорлик субъектлари ва кичик бизнес соҳаси вакиллари қўллаб-қувватлаш, бунёдкорлик, ижтимоий соҳалар, ёш авлод камоли борасидаги қўллаб рақамлар билан ҳам далиллаш мумкин. Биргина мисол, кичик бизнес соҳаси учун 24 миллиард 402 миллион сўм, шу жумладан, 7 миллиард 320 миллион сўм қисқа мuddатли ва 17 миллиард 82 миллион сўм узоқ мuddатли кредитлар ажратилди.

Хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш ҳам доимий кун тартибда бўлди. Шунинг самарасида хорижий ҳамкорлар иштирокида "Poguber shoes" МЧЖ шаклидаги ўзбек-афгон хорижий сармои иштирокидаги корхона ташкил этилди. Натижада жорий йилнинг 6 ойида 25 миллиард 104 миллион сўмлик ҳалқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқилиб, ўтган йилга нисбатан 111 фоизга ўсишга эришилди.

Бироқ бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган давр эришилган натижалар билан қиёфаланиб қолмасликни тақозо этади.

Қайси бир соҳада хотиржамликка берилиб, фақат натижаларга маҳлиё бўлиб қолинадан экан, ўша жойда орта кетиш, фаолиятсизлик одатга айланади. Узини эл-юрт равнақида дахлдор санаган ҳар бир

инсон, раҳбар-мутасадди феъл-атворида эса бундай ҳолат бўлмаслиги зарур. Шунинг учун ҳам ҳар бир соҳа, ҳар бир жабҳадаги қонунчилик ижросига жиддий масъулият билан ёндашилмоқда.

Хусусан, 2016 йилнинг ўтган даврида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонунлар ижроси юзасидан прокурор назоратини амалга ошириш борасида ўтказилган 66 та текшириш натижасига кўра 53 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Протест келтириш йўли билан мансабдор шахсларнинг 69 та қонунга зид ва асоссиз ҳуқуқий ҳужжатлари қонунга мувофиқлаштирилди.

Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари 60 та тақдимномалар киритиш орқали бартараф этилди.

Текшириш натижаларига кўра 277 нафар мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди ҳамда қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 20 та жиноят иши кўзга-тилди.

Ушбу рақамларни келтириб ўтишдан мақсад шунки, қайси соҳада фаолият юртимиздаги қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйишга ҳақимиз йўқ. Ватан, эл-юрт олдидаги ҳуқуқ, бурч, масъулият ва мажбурият каби туйғулар бизни қатъий ва шижоатга ундаб турмоғи керак.

Инсонпарварлик голяри билан йўғрилган қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши жамиятда тинчлик ва оқойишликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, оилалардаги хотиржамлик жамиятдаги фаровон турмушнинг асосини белгилайди.

Бағрикенглик намунаси

Дилноза КАНДАҲОРОВА,
Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

2016 йил 12 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорнинг ижросини таъминлашдан келиб чиқадиган вазифалар муҳофазаси юзасидан Бухоро вилоят прокуратурасида бўлиб ўтган идоралараро йиғилишида мазкур мавзуга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишида ҳалқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, судлар, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, Суд ижро департаменти тизими ходимлари, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, молия, газначилик бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Нуруний" жамғармаси раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар томонидан амнистия қарорининг мазмун-моҳияти тушунтирилиб, мазкур қарорни қўллашда ошкораликни таъминлаш, бунда асосий эътибор жазодан озод этилган шахсларга тегишли моддий ёрдам кўрсатилиши, ишга жойлаштирилиши, уларга нисбатан қўрилаётган тарбиявий таъсир чораларининг узлуксизлигини таъминлашга қаратилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишида амнистия қарори ва уни қўллаш тартиби ҳақидаги Низом талабларини бажаришга масъул идора вакиллари қарор ижросини аниқ ва бир хилда таъминлаш, қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик ва идоралараро ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида тегишли кўрсатмалар берилди.



Бола ҳуқуқлари — доимий эътиборда

Республикамизда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устуниги тан олинган ҳолда, болаларнинг ижтимоий ҳимояга доир ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланган ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлатнинг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида болалар алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқига эгадирлар, деб эълон қилинган. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда болага қонун ва бошқа воситалар орқали алоҳида ҳимоя таъминлаш, жисмоний, рухий, маънавий ва ижтимоий соҳада соғлом ва нормал тарзда, эркинлиги ва қадр-қиммати ҳимояланган ҳолда ривожланиши учун имкониятлар ва яхши шароитлар яратиш лозимлиги таъкидланган.

Бундай имкониятлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам муҳасамланган бўлиб, унга кўра, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида (45-модда). Конституциянинг 64-моддасида давлат ва жаҳият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятлари рағбатлантиради, 65-моддасида эса, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Аналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади, дейилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда бола ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларни таъминлашга оид 100 дан ортқ қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг ҳиссаси катта. Мазкур қонуннинг 3-моддасида "Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар" тушунчаси эътироф этилган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар, яъни ногирон, жисмоний ва (ёки) рухий ривожланишида нуқсонлари бўлган, етим, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган, муайян яшаш жойига эга бўлмаган, кам таъминланган оилалардаги, жиний жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларидаги, зўравонлик ва эксплуатацияда, қуроли моҳаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болалар — юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жаҳият томонидан алоҳида ҳимояланишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 мартдаги "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизimini янада тақомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар

тўғрисида"ги Фармонида оилаларга кўрсатилаётган моддий ёрдамнинг аниқ йўналтирилишини таъминлаш, боқимандаликка йўл қўймастик ва ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишни мониторинг қилишга эътибор қаратилди.

"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, болаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тўлаш тизими шаклланди бўлиб, унга кўра, фарзандларга пенсия, улар боқувчисини қарамоғидан турган-турмаганидан қатъи назар тайинланади. Бунда, боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқини фарзандликка олинган болалар билан ўғай ўғил ва ўғай қизлар ҳам сақлаб қоладилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 октябрдаги қарори билан тасдиқланган "Меҳрибонлик уйи тўғрисида"ги Низомга биноан, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг таълими ва таъминоти тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари озик-овқат, кийим-бош, пойфазал, юмшоқ жиҳозлар билан таъминланадилар.

Болаларнинг ижтимоий ҳимояга доир ҳуқуқларини таъминлашга эътибор кучайтирилмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича давлат ва жаҳият томонидан комплекс чора-тадбирлар, бу масалани тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 сентябрдаги 419-сонли қарори билан Республика болалар ижтимоий мослашув маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида оила давлат муҳофазасида бўлган жаҳиятнинг асосий бўғини, деб эътироф этилган. Унинг муҳимлиги инобатга олиниб, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида: "Давлат болаларни тарбиялаётган оилаларни қўллаб-қувватлашни кафолатлайди", дея белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги қарори билан тасдиқланган "Етим болалар ва ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисида"ги Низомда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жой билан таъминлашда вилоят ва шаҳар маъмурияти мажбурияти батафсил

кўрсатилган. Бу ҳужжатда хусусан, ўзларига бириктирилган турар жойга эга бўлмаган ва турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, улар тоифасига қирадиган 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган шахслар турар жой олиш ҳуқуқига эгаллиги эътироф этилган. Уларга турар жойлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан мақсадли коммунал уй-жой фондидаги уйлاردан ёки вақтинча фойдаланилмаётган, давлат мулки бўлган ётоқхоналардаги, уй-жойлардаги ҳамда кўп квартиралли уйларидаги бўш турган квартиралардан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 5 февралда рўйхатга олинган "Ота-оналар томонидан болаларнинг болалар мусика ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомга кўра, ушбу муассасаларга қатнаётган етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалардан тўлов олинмайди.

Ҳарбий академик лицейларга ўқиш учун ҳужжат топшираётган етим болалар устунликка эгадирлар. Умумий рейтинг ўтиш баллари тенг бўлиб қолган тақдирда етим болалар ҳарбий академик лицейга имтиёзли кириш ҳуқуқига эга бўлади. Етим болалар тиббий хизмат олишда ҳам имтиёзларга эга. Хусусан, "Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази тўғрисида"ги Низомга кўра, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзга эга бўлган шахслар қаторида етим болалар ҳам кўрсатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 29 ноябрдаги 247-сонли қарорида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни моддий таъминлаш нормалари тасдиқланган. Ушбу ҳужжатда овқат, кийим-бош, пойфазал ва бошқа буюмлар, шунингдек шахсий гигиена буюмлари билан таъминлаш нормалари тартибга солинган. Шунингдек, ушбу ҳужжатда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларга уларнинг шахсий харажатлари учун ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридан пул маблағлари тўлови белгиланган.

2014 йил "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан Давлат дастурининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги қарори билан Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурининг тасдиқланиши ва 2016 йил 14 сентябрдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг

Бахтиёр ПУЛАТОВ,

Бош прокуратура ОЎК катта ўқитувчиси,
юридик фанлари доктори, профессор

қабул қилиниши бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг давоми бўлиб, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жаҳиятини ривожлантириш жараёнларида ёшларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавий-ятли, мустақил фикрловчи, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларни қўллаб-қувватлаш, болаларнинг соғлигини сақлаш, ижтимоий ҳимоялаш, ёшларни иш билан таъминлаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва жинотчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан 2016 йилнинг юртимизда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан ишлаб чиқилган давлат дастурида, оила, оналик ва болаликнинг ҳимоя қилиш бўйича шаклланди меъёрий-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш, ижтимоий, маиший, тиббий нуқтаи назардан зарур шароитларни яратиш, соғлом авлодни вояга етказиш борасида болаларимиз ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада кенг оммалаштириш, юртимизда киз болаларнинг — бўлғуси оналарнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб вояга етиши, уларнинг ўрта мактабдан сўнг лицей ва коллежларда албатта таълим олишни таъминлаш, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Коллеж битирувчиларини, биринчи навбатда, қизларимизни иш билан таъминлаш, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, ҳомиладор аёлларни асраб-авайлаш, ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парварши қилиш, уларнинг овқат рақидиони, унинг сифати ва калорияси каби масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг "Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан бу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аجدодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғулари ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғулари ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир", деган фикрлари юқоридаги масалаларни ҳал қилишда ҳаммамизга дастурий вазифа бўлиб қолмоғи лозим.

Демократик жамиятнинг пойдевори

Бир ҳақиқатни тан олиб айтиш керакки, мамлакатнинг ривожланиши ва ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти қай даражада эканлигига боғлиқ. Одамларнинг сиёсий фаоллиги, демократик ислохотларга интилувчанлиги, юрт тақдирига дахлдорлик туйғусининг юксак даражада ривожланиши кўзланган мақсадларга тезроқ эришининг муҳим омили ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодаси сифатида баҳоланади. Конунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларни қонунга итоат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартларидан саналади. Шу боис ҳам юртимизда тизимли ва босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлашдир.

Шуларни инобатга олган ҳолда, 1997 йилда мамлакат

мизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури қабул қилинган эди. Уттан йиллар давомида мазкур дастурни амалиётга татбиқ этиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Ҳуқуқий маданиятнинг амалии аҳамияти шундаки, у қонунларга қатъий риоя этилишига салмоқли таъсир этади. Шу билан бирга, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги даражасини кўтаришда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Айниқса, бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларида содир бўлаётган воқеалар, диний экстремизм ва терроризмнинг авж олиб бораётгани ўсиб келаётган ёш авлодни ватанга садо

қат, юрт тақдирига дахлдорлик руҳида тарбиялашни талаб қилади. Табиийки, бунга ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтирмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Ҳар бир жамиятнинг негизини унинг фуқаролари ташкил этади. Ўсиб келаётган авлоднинг етуқлиги эса оиладан бошланади. Оилада олинган тарбия ва билим ўрнини ҳеч бир нарса боса олмайди. Оилада шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш боланинг ёшлигидан бошланади. Оила ёшларга ҳуқуқий тарбия бериш таълим тизимининг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Оиладаги муҳит фарзандлар ва ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабат шаклланган тарбия тизими болаларда ҳуқуққа бўлган дастлабки қарашларни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз эртасининг овод ва фаровон бўлиши, жамиятимизнинг янада раванқ топиши кўп жиҳатдан улғайиб келаётган ёш ав

лод салоҳиятига боғлиқ. Айниқса, халқимизнинг ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйган адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократик ҳуқуқий давлатни вужудга келтиришнинг энг асосий шартларидан бири сифатида жамиятнинг фаол қатлами ҳисобланган ёш авлоднинг чинакам баркамол бўлиб етишиши учун уларда зарур даражадаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда жамият иқтисодий-сиёсий ҳаётининг тубдан ислох этилиши ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш учун барча шароитларни яратиш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қафолатламоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлод ҳуқуқий маданиятининг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари уларда қонунларга бўлган ҳуқур хурматни шакллантириш, қонунга ҳурмат билан ёндашиш, ёшларнинг жамият ҳуқуқий ва сиёсий ҳаётида,

Зафар БОЙСИНОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

шунингдек, ҳуқуқий муносабатларда бевосита иштирок этиши, бўлажак ёш мутахассисларнинг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий онг ва маданиятини таҳлил қилишга йўналтирилган олий ўқув юр்தларининг таълим бериш фаолиятини ўзига ифода қилади. Бунда ёшларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ҳуқуқий, ижтимоий инсонпарварлик моҳиятини, шунингдек, ташаббускорлик, ҳуқуқий тарбия фаолиятининг асосий масалаларини имкон даражасида аналлашлари тушунилади.

Бугунги кунда ёшларнинг маънавий фазилатлари, ҳулқ-атвор кўникмалари ва ҳуқуқий фаоллигисиз юксак ҳуқуқий маданиятни тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳуқуқий онг ва маданият асосида ўз ҳуқуқларини ва бурчларини яхши англаган ҳар бир ёш авлод ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида онгли равишда меҳнат қилади ва уларнинг яратувчанлик фаолияти анча юқори бўлади.

Умуман олганда, ҳуқуқий онг даражаси одамларнинг ҳуқуқлардан шунчаки хабардорлиги, қонунларни билишига эмас, балки қонунларга риоя қилиш, уларни бажаришга тайёргарлик ва ҳуқуқни ҳурмат қилиш эканлигини унутмаслигимиз даркор.

Сув қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари



Ҳасан ХАЙИТОВ,
юридик фанлари номзоди

Сув қонунчилиги сув ресурсларидан фойдаланиш тартиби, мақсадлари, турлари, уни муҳофаза этиш талаблари, ундан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оби ҳаётдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, шунингдек, сувдан фойдаланиш қондаларини бузганлик учун жавобгарлик масалаларини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалардаги умумий аҳамият касб этувчи тамойил ва қоида-талаблари сувга оид давлат сиёсатининг оқилона олиб борилишини кафолатлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида: "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", деб белгиланган бўлиб, у фуқароларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ экологик-ҳуқуқий мажбуриятларини конституциявий даражада мустаҳкамлайди. "Жамиятнинг иқтисодий негизлари" деб номланган бобнинг 54-моддасида эса, "Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фой-

даланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўрикланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт", деб белгиланган. Ушбу моддада, биринчидан, мулк ҳуқуқининг мазмунни эътироф этилса, иккинчидан, мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳўжалик ва ишлаб чиқариш жараёнида экологик муҳитга зиён етказмаслиги, яъни уларнинг экологик мажбуриятлари мустаҳкамланади.

Асосий Қонунимизнинг 55-моддасида "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", деб ифода қилинган. Мазкур конституциявий қонданинг аҳамияти шундаки, унда биринчидан, давлат мустақиллигининг моддий асоси-

ни ташкил этувчи табиий бойликлар халқимизнинг бойлиги, мулки эканлиги, иккинчидан, табиий ресурслардан, шунингдек сув ресурсларидан фақат оқилона фойдаланишнинг зарурлиги, учинчидан, сув давлат муҳофазасига олинганлиги каби муҳим тамойиллар мустаҳкамланади.

Мустақиллик йилларида сув билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг ўнлаб қонунлари қабул қилинган бўлиб, улар сув муносабатларини тартибга солишдаги турган ўрнига кўра, биринчидан, умумий аҳамиятдаги қонунлар, иккинчидан, махсус қонунлар, учинчидан, муҳофаза аҳамиятидаги қонунларга бўлинади.

Умумий аҳамиятдаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари атроф табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ тамойил ва қондаларни белгилаб, сувга доир ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ушбу тоифадаги қонунларга Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги Қонунлари ки-

ритишимиз мумкин.

Сув ҳуқуқида махсус қонунларнинг аҳамияти бекиёс бўлиб, улар сувларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишга хизмат қилади. Махсус қонунлар Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги, "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунлардир.

Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза аҳамиятидаги қонунларига Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Жиноят кодекси, Фуқаролик кодексини кўрсатиш мумкин. Ушбу қонун ҳужжатлари сувдан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қоида-талабларининг жисмоний ва юридик шахслар томонидан бузилишининг олдини олиш ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий, маъмурий, жиноий ва моддий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, сув ресурсларининг табиий-экологик хусусиятлари ҳамда маҳаллий-ҳудудий шароит ва хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда қонун ости меъёрий ҳужжатлари қабул қилинади. Мазкур қонуноти меъёрий ҳужжатларнинг асосий мақсади ва вазифаси қонунларда белгиланган махсус қоида-талабларнинг амалда қўлланшини осонлаштириш, турли маъмурий ҳудудлар сув хавзаларининг табиий ҳолати асосида меъёрий қоида-талабларни белгилашдан иборатдир.

18 ноябрь — Халқаро чекишни ташлаш куни

Соғлом ҳаёт кушандаси

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда сайёрамиздаги катта ёшдаги аҳолининг учдан бир қисми чекар экан. Сайёрамиз аҳолиси томонидан ҳар йили бир триллион дондан ортиқ сигарет чекилади. Бу бир йилда 100 миллиард доллар маблағ худди сигарет тутуни каби ҳавога учиб кетишини англатади. Унинг инсон саломатлигига салбий таъсирини эса унча-мунча хавф билан тенглаштириб бўлмайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутасаддилари дунёда йилига 5 миллиондан ортиқ киши айнан ушбу иллат туфайли ҳаётдан кўз юмаётганини таъкидламоқдалар. Бу рақам ОИТС, сил, безгак каби касалликлар туфайли содир бўлаётган ўлим сонидан анча кўпдир.

Чекиш фақат умрни қисқартирибгина қолмай, балки одамнинг турли-туман касалликларга чалинишига олиб келади. Чекувчиларнинг касалликлардан тузалиши, турли жароҳлик операцияларидан сўнг соғайиб кетиши қийин кечади. Жаҳон статистик маълумотида келтирилишича, ўпка ракиннинг 90 фоизи сигаретдан келиб чиқмоқда. Кекирдик раки билан оғриганларнинг 99 фоизини эса чекувчилар ташкил этади. Хуллас, кейинги ўн-ўн беш йилда бу касаллик билан касалланиш янада кўпайган.

Кашандадан кўра унинг атрофидагилари, айниқса, аёллар, болалар ва кексалар кўпроқ азият чекади. Тамаки тутунининг чекувчидан кўра чекувчидан одам соғлиғига кўпроқ таъсир кўрсатиши илмий тажрибалар орқали аллақачон ўз исботини топган. Кашанда ота билан куннинг маълум бир қисмини ўтказган бола бир йилда саксон-тўқсон қути сигарет чеккандек ёхуд ўзи чекувчи ҳолда сигарет чеккан хонада ўзликсиз тўрт соат ўтирган киши ўн донга сигарет чекканчалек заҳарланади. Статистик маълумотларга қараганда, кунига бир қути сигарет чекадиган одам бир йилда ўпкаси орқали 800 граммга яқин тамаки қатрони ўтказиши. Тамаки тутуни таркибида 500 га яқин кимёвий модда бўлиб, унинг таъминан ўн фоизини никотин ташкил этади. Никотин кучли таъсир этувчи заҳар бўлиб, унинг бир томчиси отни ўлдирди. У кон томирларни тарайтириб, атеросклероз, юракнинг ишемик касаллиги, гастрит, ўн икки бармоқли ичак яраси касалликларига олиб келади.

Илгари кашандаликда эркаклар яққол фаворит ҳисобланган бўлишса, ҳозир хотин-қизлар ҳам улардан қолишмапти. Бугун дунёда ҳам кашандаларнинг 200 миллионга яқинини, тамаки чекишдан заҳарланиб вафот этаётганларнинг эса бир ярим миллионини аёллар ташкил этаётгани фикримизнинг яққол исботидир. Бу зарарли одатни эп кўрган аёлларнинг қўчилиги эса она бўлиши мумкинлиги кишини ташвишлантиради. Чунки аёллар эркакларга нисбатан тамакидан икки ҳисса кўпроқ заҳарланишади. Бунга сабаб унинг она, яъни авлодлар давомчилисини дунёга келтирувчи нозик хилкат эканлигидир. Сигарет аёл-


нинг гўзал хуснига акс таъсир этиш билан бирга унинг репродуктив тизимлари фаолиятига ҳам жиддий пугур еткази. Шу сабабли ҳам Эстония қонунчилигига кўра, ҳомиладор аёллар сигарет чекиб, туғилмаж ҳомиласи саломатлигига зарар етказса, 96 евродан 1600 еврогача бўлган миқдорда жаримага ёки 5 йилга қилиш жазосига тортилиши назарда тутилган.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти дунё мамлакатларида чекишга қарши кенг камровли тадбирлар ўтказмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, Европа ва АҚШда чекувчилар сони кескин қисқариб бормоқда. Минглаб собик кашандалар "кекишсиз ҳаёт" дея, замонавий спорт турлари билан шуғулланишга қарор қилишди. 1995 йилда Европа Иттифоқи мамлакатларида истиқомат қилувчи ҳар уч кишидан бири, аёлларнинг тўртта-сидан биттаси кунига 10 тадан 14 тагача сигарет чеккан. Ушанда чекувчилар сони бўйича Греция, Дания ва Франция олдинги ўринларда турарди. 1999 йилга келиб "кўҳна қитъа"да чекувчилар сони 34 фоизга тушиб қолди.

АҚШда адвокатлар истеъмолчиларни алдаётганликда айблаб, тамаки sanoати корхоналарига қарши суд жараянини бошлаб юбориб, кўп ҳолларда улар ютиб чиқишмоқда. Чекишга қарши олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида бу мамлакатда сўнги 40 йилда чекувчилар сони икки баробар камайди. 1965 йилда "океанорти" мамлакатиде катта ёшдаги аҳолининг 42 фоизи чеккан бўлса, 2006 йилга келиб бу рақам 20,8 фоизни ташкил этади.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Буюк Британия аҳолисининг ярмидан кўпи чекар эди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида чекувчилар сони йил сайин камайиб бормоқда. Бугунги кунга келиб мазкур мамлакат катта ёшдаги аҳолисининг 25 фоизи чекар экан. Яқинда ўтказилган ижтимоий сўровда иштирок этганларнинг учдан икки қисми бу зарарли одатни ташлаш ниятида эканини билдирган.

Германиялик ўсмирлар сўнги йилларда чекиш ва ичинши ташлашга ҳаракат қилмоқдалар. Тарқатилган хабарларга қараганда, бундан ўн йил аввал тўрт ўсмирнинг бири чеккан бўлса, бугунги



кунда уларнинг сони 13 фоизга камайган.

Россияда ўқув юртлари, даволаш муассасалари, жамоат транспорти ва стадионларда чекиш тақиқланган. Чекаётган кишиларни реклама учун суратга олиш, тамаки маҳсулотларини телевизорда реклама қилиш ҳам мумкин эмас. Баҳога таъсир этмаганларга сигарет сотилмайд.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 1988 йилда 31 майни Халқаро тамакисиз кун деб эълон қилди. Жаҳон ҳамжамияти олдинги ХХI асрда тамаки чекиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш ва зифаси кўйилди.

2008 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти "чекиш эпидемияси" билан курашаётган мамлакатлар учун олти йўналишдан иборат "Mpower" стратегиясини ишлаб чиққан. "Monitoring" деб номланган биринчи стратегия тамаки қабул қилишни назорат қилиш ҳамда профилактика чораларини кўришни, "Protecting" номли иккинчи стратегия эса одамларни тамаки тутуни таъсиридан ҳимоя қилишни назарда тутди. "Offering" стратегиясидан кўзланган мақсад — тамаки чекишдан воз кечишга кўмаклашиш. Ҳозирча тамакига боғлиқликдан ҳалос этиш билан шуғулланувчи хизматлардан дунё аҳолисининг бор-йўғи беш фоизи фойдаланиш имкониятига эга. "Warning" стратегияси эса тамаки хавфидан одамларни огоҳлантиришни назарда тутди. Бунга тамаки қадоғида чекишнинг соғлиқ учун зарарли эканидан огоҳ этувчи ёзув ва суратларнинг акс этирилиши мисол бўла олади. Бирок бугун фақат 42 та давлат тамаки қадоғида чекишнинг зарари ҳақидаги ёзувини киритиш мажбуриятини олган. Шунингдек, мазкур ташкилот тамаки савдосини кучайтириш ҳамда уни ишлаб чиқаришга ҳомилийки рағбатлантиришга хизмат қилувчи рекламаларни тақиқлаш (Enforcing) ҳамда тамаки маҳсулотларига нисбатан солиқларни кўпайтириш (Raising) сиёсатини ҳам олиб бормоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг фикрича, иш жойларида чекишни тақиқлаш ишчилар ўртасида чекишни 29 фоизга камайтириш имконини беради. Тамаки маҳсулотларига нисбатан солиқларни оши-

риш эса ривожланган мамлакатларда чекишни 4, нисбатан кам ривожланган мамлакатларда эса 8 фоизга камайтириш учун асос бўлади. Тамаки нархини 70 фоизга ошириш чекиш билан боғлиқ ўлим ҳолатларининг сезиларли камайишига хизмат қилади. Тамакини реклама қилишни ҳар томонлама тақиқлаш эса кашандаликни ўртача 7, айрим мамлакатларда эса 16 фоизгача камайитириш имконини беради.

Мамлакатимизда ҳам ушбу иллатнинг олдини олишга қаратилган қонунлар қабул қилиниб, улар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Хусусан, 2010 йилда "Реклама тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унга қамаки маҳсулотлари ва ҳар қандай қувватдаги алкоғолли ичимликлар рекламаси қатъий тақиқланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда мужим рол ўйнамоқда.

Ушбу қонун фуқароларнинг, аввало, йигирма ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлигини тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, у билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга хизмат қилмоқда. Унга мувофиқ иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнгин қиқш хавфи бўлган нуқталарда, жамоат жойларида, жамоат транспортининг барча турларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш тақиқланади. Шунингдек, 20 ёшга тўлмаганларга тамаки маҳсулотлари сотилмайди, тамакига қарам бўлиб қолган шахсларга соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий-санитария ёрдами кўрсатилади.

Мазкур қонунлар мамлакатимиз тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга қарши курашда соғлом турмуш тарзини кенг йўлга қўйиш, кашандалик иллати ёйилишининг олдини олиш ва ҳар то-

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

монлама баркамол фарзандларни тарбиялашга хизмат қилади.


Дунё бўйлаб сигарет, умуман чекишга қарши чоралар белгиланиши ҳам бежиз эмас.

Масалан, 1 март — Гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддалар билан савдо қилишга қарши халқаро кураш куни, 7 апрель — Жаҳон саломатлик куни, 31 май — Халқаро кашандаликка қарши кураш куни, 17 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни, 26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланishi-шига қарши кураш куни, 18 ноябрь — Халқаро чекишни ташлаш куни сифатида дунё миқёсида ўтказилиши ҳамда чоралар белгиланиши айнан чекишнинг инсон саломатлиги ва жамият ҳаёти учун нақадар хавфли эканлигини англатади.

Сигарет чекишга қарши кураш кунининг бир йилда икки бора белгиланганлиги унинг гиёҳвандликдан қолишмайдиغان офат эканлигидан дарақдир. Шу сабабли дунё ҳамжамияти соғлом турмуш тарзига эришиш мақсадида чекишни тақиқлаш бўйича қонунлар қабул қилганки, унинг самаралари энди кўзга кўрина бошлагани кишини қувонтиради. Европа мутахассислари тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, жамоат жойларида сигарет чекиш ман этилгандан кейин одамларда юрак хуружлари оқ бериши бир йилда 17 фоизга камайган. Фақат Англиянинг ўзида 70 минг киши чекишни ташлагани учун умрини узайтириш бахтига мурасар бўлган. Европа ва Шимолий Америкада юрак хуружи учдан бир қисмга камайган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳам "Ёшлар чекишга қарши!" лойихаси доирасида мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, талабалар, маҳаллалардаги йигит-қизлар иштирокида кўплаб тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. "Тенгдош — тенгдошга" тамойили асосида ташкил этилаётган ушбу тадбирларда чекишнинг инсон саломатлигига ва келажак насллар камолига салбий таъсири ҳақида сўз боради. Ичкиликбозлик ва тамаки чекиш каби иллатларнинг зарарли оқибатлари тўғрисида мутахассислар билан ҳамкорликда тайёрланган ўқув қўлланмалари, буклет ва кўргазмалари тарғибот воситалари аҳоли, хусусан, ёшлар орасида тарқатилмоқда. Бундан кўзланган мақсад инсон саломатлигини муҳофазат қилиш, кашандаликнинг олдини олиш, ёшларни бундай салбий иллатлар таъсиридан асраш ва экологик муҳит мусофоллигини таъминлашдир.

Соғлом ҳаёт, соғлом турмуш тарзига эришиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.



Исмоил ота ва Норхол ая (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳали-ҳамон қарахт: қирчилла-ма ёшида жувонмарг бўлган фарзанди доғига куйишинми?..

Оға-ини можароси

Обиджон ҚУЛДОШЕВ,

Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Шу ниятда ўғил ўстиришганими улар? Бир қориндан талашиб тушган, бир ҳовлида ўйнаб, бир кўрпада тепишиб катта бўлган ўғиллари, уларнинг ортидан дунёга келган набиралари учун қанча орзу-ҳавасни кўнгилларига туғишгандир? Юракларга сим-сим оғриқ бераётган армонларга даво борми энди? Бу бармоқни титлашса, буниси оғриб турса... қалбларини кемираётган дардларини кимга айтишадими?

... Исмат бозордан уйига қайтди-ю, пулларини ҳисоб-китоб қилгач, ўрнига чўзилди. Бир пайт қизи Манзура келиб, жияни Бобомурод қақираётганини айтди. Исмат эринибгина кўчага чиқди. Опасининг ўғли Бобомурод аллақачон кетиб қолган экан. Қўнадаги болалар Исматга акаси Нурмат бозордан қайтишда Бобомуродни сўқиб, юзига урганини, Бобомурод ерга йиқилиб қолгандан кейин ҳам тош билан бошига урганини айтиб беришди.

Исмат индамай уйига қайтиб кирди. Аралашгандан фойда йўқ, деб ўйлади ўзича. Хамиша ичиб олиб, маст-аласт жанжал чиқариб юрадиган акаси Нурматнинг хурмача қилиқларига кўникиб қолганди. Акаси наркологи диспансерда даволаниб чиқди ҳамки, фойдаси бўлмади. Ўзи шундоқ ҳам жигарларнинг ўртасида азаддан ҳовли-жой низоиси бор эди. Исмат кенжа ўғил бўлгани боис ота ҳовлига ўзини кўпроқ ҳа ли ҳисобларди.

Исмат ҳаммасига қўл силтади-ю, ўрнига чўзилиб ух-лаб қолди.

Уйқудан турганида отасининг ҳовлисидан акасининг овози эшитилди. Юзини чайиб, ўғилчаси Бехзод билан ўша томон юрди. Чорпоя ёнида акаси онасига жияни билан жанжалнинг тафсилотларини тушунтираётган экан.

— "Учаскавой" га ёзиб бердим устидан, — ваҳоят билан бақирарди Нурмат. — Ана энди кўради мендан...

— Ака, бекор қилибсиз, — деди Исмат. — Опамни ўйланг, аризангизни қайтариб олиб, Бобомуроддан кечирим суранг...

— Ҳали сен менга ақл ўргатадиган бўлдингми? — Нурматнинг газаби ўн чандон ортиб, сўка бошлади. — Менинг ишларимга аралашма...

Шундай дея Исматга ёпишиб, уни дўппослай бошлади. Исматнинг кўзлари қонга тўлди. Кўллари қаравот устида ётган пичоқ узалди. Газаб ва нафратдан нима қилаётганини англолмасди. Бақираётган акасининг кўрагини мўлжаллаб пичоқ санчди. Қонни кўрган онаси ва қаердандир пайдо бўлиб қолган хотини Гулмира кичкириб юборишди. Гулмира югуриб келиб, қайноғасини ушлади. Исмат хезланиб келди-ю, пичоқни яна икки бор санчди. Етти яшар Бехзод отасининг ваҳоятидан, қонга беланиб, ерга йиқилган амасининг аҳволидан кўриб, қалтираганича турарди...

Исмат ўзига келиб, атрофдагиларга назар солди. Сўнг қўлидаги пичоқ билан кўчага югурди. Эски новвойхона биносига кириб, бироз ўтирди. Нима бўлганини ўзича идрок этмоқчи бўлди. Нега ўз акасига тиг кўтарди? Нахотики ўз жигарининг қотили бўлса? Энди нима бўлади? Отасига нима дейди, онасига, жиянларига-чи?

Исмат қонга ботган пичоқни улоқтириб, катта йўлга чиқди. "Қочиб керак, қочиб..." — катта йўл бўйлаб югуриб, дуч келган машинага қўл кўтарётган Исматнинг хаёлида факат шу ўй гўжгон ўйнаётган эди. Ниҳоят бир машина тўхтади ва ундаги формали кишилар Исматни тўғри ички ишлар бўлимига олиб кетишди...

Жиноят ишлари бўйича вилоят судида Косон туманида туғилган Исмат Ҳамроевнинг жиноят иши қўрилди. Биродаркушиқдай жирканч жиноятга қўл урган бу кимсага янғасидан ташқари ҳатто ўз ота-онаси ҳам... энг оғир жазо тайинлашни сўрашди. Шу кезде Исматнинг хаёлидан нималар кечганини тасаввур этиш ҳам мушқул.

Хукм ўқилди. Ўта шафқатсизлик билан яқинларининг кўз ўнгига қотиллик жиноятини содир этган И.Ҳамроевга ўн олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Надомат бекати

Ҳамро АБДИЕВ,

Бухоро вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Когон тумани "Сарибозор" қишлоғида яшовчи Бобоёр Маҳқамов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) гўё наша чекса чарчоқлари чиқиб, кайфият кўтарилиши ҳақида бир даврала эшитиб қолди-ю, тинчи бузилди. 2015 йилнинг баҳор ойларига таниши Барот Ўлмасовни учратиб "лард"ини айтди. — Наша-ку тоғиб беролмайман, аммо уруғидан беришим мумкин.

— Ака, яхшилингизни унутмайман, — деди Бобоёр.

Ушбу суҳбат сабаб Бобоёр Маҳқамов танишидан "заҳри қотил" уруғини олди-да, томорқасига экиб, парваришлади. "Хосил"ни йигиб олган Бобоёрнинг зўр хирмон кўтарган деҳқондек хурсанд эди. Орада ўзи ҳам ажал уруғи таъмини татиб юрди. Бунга ҳамқишлоғи Шербек Жўрақулловни ҳам шерик қилди.

2016 йилда эса 10 туп наша уруғини нафақат томорқасига, балки кўздан аширин, дея гултувакка экди. Ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинган Бобоёр Маҳқамов қилмишининг оқибатларини тан олди. Унга 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.


Ғиждувонлик Олимжон Туробов ҳам Бобоёр Маҳқамовнинг йўлидан юрган экан. У 2015 йилнинг май ойида ўзи яшаб келаётган Ғиждувон тумани "Фиришкенг" ҚФЙдаги ҳовлисига гиёҳванд модда "Каннабис" ўсимлигини экиб, етиштирганда, сотиб, даромад кўришни кўзлаган эди.

Эски таниши Анзор Пулатов кўнғорқ қилганида эса харидор топилганидан хурсанд бўлиб кетди. Улар келишилган манзилда учрашиб, савдони нақд қилишди.

Олимжон Туробов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган тадбир давомида жиноий шериги Анзор Пулатов билан 3 донга гўгурт қутисига алоҳида қадоқлаб солинган, соф вази 8 грамм "Марихуана" гиёҳвандлик воситасини сотаётган вақтда қўлга олди.

Бундан ташқари, хонадонидан 0,15 граммга тенг бўлган "Марихуана" гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсадига сақлаб келаётганлиги ҳам аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, Олимжон Туробов ва Анзор Пулатов қонун олдида жавоб бердилар.



Фурқат туманида яшовчи 27 яшар Акмалжон Қанаев 2014 йилнинг февраль ойи бошида қариндоши Э.Ҳомидовга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Россия Федерациясининг Краснодар шаҳридаги бойвачанининг уйини қуриш учун усталар керамиксини айтгани.

Қариндоши бу гапни укаси Ж.Зоировга етказди. Ж.Зоиров эса бешариқлик уста — қариндоши А.Раимов билан боғланади. Улар хорижга ишга отланишади. Бироқ А.Раимовнинг онаси иш берувчини сўраб-суриштирмоқчи бўлади. А.Кандиев Бешариққа бориб, З.Раимова билан сўрашди. "Ўзлингиз қурилишда ишлайди, кум сувоқ ва алабастр сувоқ ишларини қилади. Ойига 400 АҚШ доллари иш ҳақи олади", дея онахонни ишонтиради. Йўлда тасодифан танишган М.Жаводовни ҳам хориждаги сердаромад ишга қизиқтириб қўйди.

Шу тариқа А.Кандиев февраль ойи ўртасида Ж.Зоиров, А.Раимов ва М.Жаводовни Краснодар шаҳрига бошлаб кетади. Уларнинг паспортларини йиғиб олиб, иш берувчи билан ойига 400 АҚШ долларида иш ҳақи тўлашга келишади. Усталарни эса "Иш ҳақинглари ўзим олиб, уйларингга жўнатиб тураман", деб ишонтиради.

Учовлон бойвача — бизнесменнинг уйини қуришга киришилади. Бу орада А.Кандиев "Лена" исми

Жонибек Саидқулов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2014 йилда Юқоричирчиқ туманидаги Агроноат ва иқтисодийёт касб-ҳунар коллежига директор этиб тайинланганида, нафақат ўзи, балки яқинлари ҳам хурсанд бўлишган эди. 32 яшар йигитга айриллар ҳавас ҳам қилишди.

Баднафслик оқибати

Дилшод ФАЙЗИЕВ,

Юқоричирчиқ туман прокурори

Бирок аввалгига рисоладагидек иш бошлаган директор кўп ўтмай айнаиди-қолди. Коллежда амалиётчи-бухгалтер вазифасида фаолият юритаётган Б.Шараповани ҳузурига чақириб, маълумоти ўрта махсус бўлгани боис ишдан бўшатишини маълум қилди. Б.Шарапова ишга ўрганиб қолганини, ишдан бўшатмасликни сўраган эди, Ж.Саидқулов 100 АҚШ доллари олиб келса, масалани ижобий ҳал қилиш мумкинлигини шама қилди.

Б.Шарапова ҳаракат қилишини айтиб, чиқиб кетди-да, директор инсофга келиб қолар, ишдан бўшатибмас, дея умид қилиб, ишлаб юраверди. Бироқ у ўйлагандек бўлмади. Орадан ўн кўна вақт ўтгач, директор уни хонасига чақирди-да, меҳнат шартномаси туганлигини айтиб, пулни ҳам олиб келмаганлигини эслатиб қўйди. Кейинчалик ҳам директор ҳар кўрганида пулни олиб келмагунча иши ҳал бўлмаслигини, ўрнига бошқа ходимни ишга олишини таъкидлашни қанда қилмади. Кўп ўтмай эса "инсоф кирди" чоғи, бунча пулни бирдан топишга қийналса, ҳозирча 280 минг сўм бериши ҳам мумкинлигини айтди.

"Бер-бер" жонига теккан Б.Шарапова охири тегишли идораларга ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. У директорга махсус ишлов берилган пулни бергач, тамағир раҳбар ашёвий далил билан қўлга олинди.

Тергов ва суриштирув чоғида директор билан унинг ҳамтовокларининг бошқа жиноятлари ҳам фоти эшланди. Маълум бўлишича, Ж.Саидқулов коллеж бош ҳисобчиси ҳамда ишлаб чиқариш таълим устаси билан келишиб, 2014 йил август ойидан 2015 йилнинг июнига қадар ўзига 1 млн. 843 минг сўм, бош ҳисобчига 12 млн. 886 минг сўм, ишлаб чиқариш таълим устасига эса 9 млн. сўмдан ошиқроқ маблағни асосиз равишда қўшиб ҳисоблаган экан.

Бундан ташқари, коллежнинг 5 нафар ўқитувчисига 266 минг сўм ортиқча иш ҳақи ҳамда ўтилмаган дарс соатлари учун 346 минг сўм қўшимча ҳисобла-ниб, жами 24 млн. сўмдан кўпроқ бюджет маблағини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-тороқ қилинган экан.

Жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман суди томонидан таълим даргоҳини даромад манбаига айлантириб олган кимсаларга тегишли жазо тайинланди.

Ўргимчак тўри

Азизбек ЮЛЧИЕВ,
Фурқат туман прокурори

танишининг уйини ҳам таъмирлатиб беришни зиммасига олади. Ж.Зоиров ва А.Раимов бизнесменнинг уйдаги қурилиш билан бирга, дам олиш кунлари Ленанинг уйини ҳам таъмирлашади. Улар икки хонадонда тўрт ой ишлашади. Иш ҳақларини сўраганларида эса А.Кандиев "уйларингга жўнатиб турибман", дея уларни хотиржам қилади.

Ж.Зоиров акаси Э.Ҳомидов билан телефонда боғланганида, кўп нарса ойдинлашади.


— Апрель ойида Акмал телефон қилиб, 700 доллар жўнатишини айтган эди, — дейди Э.Ҳомидов телефонда укасига. — Банкча учрасам, 150 доллар келибди, холос. Акмалга телефон қилсам, нотўғри кодга жўнатибман, деди-ю, телефонини ўчириб қўйди. Бошқа пўл жўнатгани йўқ.

Шундан сўнг, Ж.Зоиров шериклари билан ўй эгасига учраб, қурилишни тугатганини айтиб, иш ҳақини сўради. Уй эгаси иш ҳақини ойма-ой Акмалга тўлаб турганини айтиб, ҳисоб-китоб варагини уларга беради. Шундан кейингина А.Кандиев иш ҳақларини олгани, аммо ишлатиб қўйганини тан олади. Бироқ, "ана бераман, мана бераман", дея уларни бир ярим йил мобайнида алдаб юраверди. Алданган усталар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишади.

Чорасиз қолган А.Кандиев аввалига усталарга 333 минг сўмдан, 1 млн. сўм бериб, "қолганини кейин бераман", деб аравани қуруқ олиб қочмоқчи бўлди.

Суд А.Кандиевдан жабрланувчиларга меҳнат ҳақларини ундириш, ўзини 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Пахта — миллий бойлигимиз. Пахта ва ундан олинган маҳсулотлардан фойдаланмайди бирорта сааноат тармоғи учрамайди.



Ноқонуний маҳсулот

муомаласининг олди олинди

Камал ЗАРИПОВ,

Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти бўлим бош инспектори

Х ақиқатдан ҳам ушбу ўсимлик ер юзида ҳам иқтисодий, ҳам стратегик аҳамиятга эга бўлган хомашё ҳисобланади. Маълумки, пахта ёғи озиқ-овқат маҳсулоти сифатида жуда қадрланади. Ундан нафақат истеъмол қилиш мақсадида, балки совун, алиф, лак-эмаль ва бошқа хил бўёқлар ишлаб чиқарилишида ҳам кенг фойдаланилади.

Бироқ орамизда унинг оммавийлиги ва харидорчилиги юқори даражада эканлигидан фойдаланиб, уй шароитида қўлбола усулдаги мосламалар ёрдамида, ҳеч қандай ҳужжатларсиз, санитария-гигиена қоидалари ҳамда қонунга зид ҳолатларда истеъмолга яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқариётган «уддабуронлар» ҳам учраб турибди.

Фуқаро Темур Норкулов (исм-фамилияси ўзгартирилган) ўзи яшаб келаётган Жизза туманидаги уйининг молхонасида қўлбола усулда ясалган жувоз ускунасида пахта чигитидан кунжара ва ёғ ишлаб чиқариётганлиги аниқланиб, тезкор ходимлар томонидан ўтказилган тезкор тадбирда унинг қилмишига чек қўйилди.

Давлат санитария-эпидемиология маркази мутахассисларининг хулосасига кўра, ашёвий далил тариқасида олинган ёғ маҳсулотлари инсон саломатлиги учун хавфли эканлиги ва тегишли талабларга жавоб бермаслиги маълум бўлди.

Албатта, жиноят жазосиз қолмади. Ўзининг ноқонуний қилмишлари оқибатида жамиятимизга ва оиласига моддий-маънавий, тиббий зарар келтираётган айрим «олғир» шахслар маълум муддат бўлмайдан даромад топишлари мумкин, бироқ кўза кунда эмас, кунда синади, дейилгандек, уларнинг қилмиши фош бўлиши айна ҳақиқатдир.

Назоратчининг товламачилиги

Алишер УММАТОВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Жизза вилоят бошқармаси катта инспектори

"Жиззахтумангаз" филиалида назоратчи вазифасида ишлаб келган Эркинбой Холиқуловнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) хизмат вазифасига фуқаролардан тўловлар қабул қилиш кир-маса-га, у бу ишга қўл уради.

У фирибгарлик йўли билан моддий манфаатдор бўлиш мақсадида тумандаги "Хайробод" маҳалласида яшовчи А.Камоловнинг уйига боради. Ундан 1 млн. сўм пулни фойдаланилган табиий газ тўлови сифатида олиб, ўз эҳтиёжига сарфлаб юборади.

Мўмай даромад таъмини тотган Э.Холиқулов ноқонуний ишини яна давом эттиради. У фуқаролар Р.Курбоновдан 270 минг сўм, Р.Камоловдан 384 минг сўм, Х.Турдиқуловдан 200 минг сўм пул олиб, газ идорасига тўлаб қўйишга ваъда беради. Бироқ бу пуллар ҳам назоратчининг шахсий манфаатлари йўлида сарфланиб кетади.

"Янги ҳаёт" маҳалласида яшовчи Х.Турдиқуловнинг хонадонни Э.Холиқуловнинг сўнгги "ови" бўлди. У хизмат вазифаси доирасига қирадиган газ ҳисоблаш ускунасини қиёсловдан ўтказиш эвазига товламачилик йўли билан уй бекасида 100 минг сўм пулни талаб қилиб олган пайтда қўлга олинди.

Суд ҳукмига кўра, Эркинбой Холиқуловга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Фирибгар ходим

Инсон шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрат даражасида улуғланган мустақил юрта яшаймиш. Бугунги кунга келиб, фуқароларда қонунларга ҳурмат ҳиссининг кучайиб бориши баробарида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини фаол ҳимоя қилиш кўникмаси ҳам шаклланади.

А йтиш кераки, ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши билган, ҳуқуқий саводхон инсон ниманинг қонунга тўғри келиши ва ниманинг қонунга зид эканини дарҳол англайди. Ноқонуний иш учун жавобгарлик борлигини тушуниб этади. Фирибгар ёки товламачининг тўрига ҳеч қачон илинмайди. Афсуски, одамлар орасида фирибгарларнинг ёлгон ваъдаларига ишониб, алдинги қолаётганлари ҳам йўқ эмас.

Сирдарё вилояти кардиология диспансери ходими Даврон Ғиёсов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ана шундай шахслардан бўлиб қикди.

У Сирдарё вилоят ҳокимлиги томонидан Республика кўрик-танлови голибаси бўлган Санъатхон Йўлчиевага муқофот тариқасида берилган "Нексия" русумли автомашинанинг унинг номига расмийлаштириб бериш эвазига 1200 АҚШ доллари сўрайди. Фирибгар 800 АҚШ доллари ўзига, 400 АҚШ доллари эса гўёки соғлиқни сақлаш соҳасидаги айрим шахсларга бериши лозимлигини айтиб, голибанинг ишончига кирмоқчи бўлади.

С.Йўлчиева ўз навбатида бу сўров ноқонуний ҳаракат эканлигини англаб, Бош прокуратура хузуридаги департаментнинг Сирдарё вилоят бошқармасига ариза

билан муурожаат қилади.

Ушбу ҳолат юзасидан ўтказилган тадбирда Даврон Ғиёсов 1200 АҚШ долларини Тошкент шаҳридаги кафелардан бирида олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди.

Суд ҳукми билан Даврон Ғиёсовга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Хулоса қилиб айтганда, инсон шаъни ва қадр-қиммати, мулқига таъвоуз қилишга, унинг ишончини топташга уринган ҳар бир шахс қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Зеро, қонунни бузиш тегишли жавобгарлиқни келтириб чиқаришини унутмайлик.

«Уддабурон» ҳисобчи

Азиз ИМОМОВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Пастдарғом туман бўлими суриштирувчиси



Умид Тўрахонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) етти-саккиз йилдан буюн мактабда ҳисобчи бўлиб ишлайди. Кейинги йилларда нафс балосига йўлиқиб, бировнинг ҳақини ўзлаштиришга берилиб кетди. Бунда унга ходимларнинг пластик карточкалари қўл келди. Дастлаб ўз пластик карточкасига ҳар ойда ортиқча пул ташлашни бошлади. Натижалда 2013-2015 йиллар мобайнида 11 млн. сўм маблагни ўзлаштириб юборди.

У нафақага чиққан ўқитувчиларнинг пластик карточкаларини ўзида сақлаб юргани ҳам беҳиз эмасди. Уларга рўйхат бўйича иш ҳақи ёзиб борди. Йиллар давомида бу маблағлар унинг жигилдонидан жой олаверди. Жумладан, Нигора Жўраева номига 21 млн. 410 минг сўм, Шаҳноза Амонова номига 20 млн. 803 минг сўмни ўтказиб юборди. Бундан ташқари, ишдан бўшаб кетган собиқ ўқитувчи Муҳтарам Бекназарованинг пластик карточкаси ҳисобчига 2 млн. 656 минг сўм соф фойда келтирди.

Ҳисобчининг самарали "фаолияти" давомида 49 млн. 63 минг сўм маблағлар ўзлаштирилиб, талон-тороҳ қилинди.

Вақти келиб ҳисобчининг найранглари фош бўлди. Суд Умид Тўрахоновни айбига яраша жазолади. Шунингдек, у тергов мобайнида зарарни тўлиқ қоплади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари фуқаролардан келиб тушган аризага асосан ўтказилган тадбирда бевожиз хизмат вазифасини бажариш учун пора олган Алибек Муллаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳамда унга востачилик қилган Каримжон Расуловга қўлга олади.

А.Муллаев 2015 йил бошида Давлат архиви Марғилон шаҳар бўлими директори лавозимига тайинланган. К.Расулов эса Қўштепа туманидаги собиқ ширкат хўжалиқларидан бирида бош ҳисобчи лавозимида ишлаган, ширкат хўжалиги тугатиш комиссиясининг аъзоси сифатида архивга тез-тез қатнаб турган чоғларида А.Муллаев билан танишиб қолган.

К.Расулов шу йил март ойининг ўрталарида архивга ўз иши билан боради ва фарғоналик таниши С.Тошқулов билан қўришади. Таниши кадастр ҳужжатларини тайёрлатмоқчи бўлиб, Фарғона шаҳрининг Бешбола маҳалласида яшовчи фуқароларнинг ҳовли уйларига ер ажратиб беришнинг хусусидаги қарорлар архивдан

чиқмаётганини, улардан кўчирма олишолмаётганини айтади. К.Расулов "Архив директори оғайним, ишларининг ҳал қилишга ёрдам беришим мумкин. Аммо ҳар бир фуқаро хизмат ҳақига бир млн. сўмдан бериши керак", дейди. С.Тошқулов икки нафар фуқаронинг ҳужжатларига қўшиб, 300 АҚШ доллари келтириб беради. К.Расулов пулларни архив бўлими директори А.Муллаевга бериб қўяди. Бир неча кун ўтиб, С.Тошқулов яна уч нафар фуқаронинг паспортлари нусхалари ва яна 400 АҚШ доллари олиб келиб беради. К.Расулов бу пулларни ўз эҳтиёжларига сарфлайди.

Орада С.Тошқулов Фарғона шаҳрига туташ собиқ боғдорчилик ширкат хўжалигидан ер олиб уй қурган фуқароларга ҳам қарордан кўчирмалар тайёрлатиб беришни сўрайди. "Иштаҳаси кариш" бўлиб бораётган К.Расулов ўн олти нафар фуқаронинг уй-жойига чиқарилган қарорлардан кўчирма нусха олиб бериш учун архив директорига 300 доллардан — жами 4800 АҚШ доллари келти-

Сифати кафолатланмаган маҳсулот инсон саломатлиги учун кони зарар эканлигини яхши биламиш. Аммо айрим кишилар тўрт-беш сўм арзон деб, кўча-кўйла, пана-пасткамда қўлбола усула тайёрланган ўсимлик ёғини харид қилаверадилар. Бу билан нафақат саломатликларига зиён етказадилар, балки ноқонуний тарзда ёғ ишлаб чиқариш билан шугулланаётган кимсаларнинг тегири-монига сув қўядилар.

Жувозкашнинг жиғилдони

Элмурод НАЗАРОВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Қарши шаҳар бўлими катта суриштирувчиси

СВОЖДЛҚК департаментининг Қарши шаҳар бўлими томонидан ўтказилган тезкор тадбирда худуддаги Арабхона маҳалласида яшовчи Зиёд Холиқов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) уйининг ёрдамчи хўжалиги хонасида қонунга хилоф равишда яширин чех ташкил этиб, қўлбола жувоз ускунасида чигитдан истеъмолга яроқсиз ёғ ишлаб чиқариётганлиги аниқланди. Ундан 155 литр истеъмолга яроқсиз ёғ, 300 килограмм кунжара, жувоз ускунаси, жами 4 млн. 300 минг сўмлик товар-моддий қимматликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Ноқонуний фаолият юритган жувозкаш суд ҳукми билан тегишли жазо олди.

Архивдаги ўйин

Акмалжон МАДРАХИМОВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Фарғона вилоят бошқармаси катта инспектори

риб беришни талаб қилади. Ундан аввалги, бешболалик фуқароларнинг уй-жойларига қарорлардан кўчирмаларни ҳам ҳанузгача ололмаган С.Тошқулов ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига муурожаат қилади, Сўнгра К.Расулов билан телефонда боғланиб, Ёзёвонда кўришади. Унга махсус ишлов берилган 4800 АҚШ доллари, фуқароларнинг паспорт нусхаларини беради. Жиноят устида ушланган К.Расулов ушбу пулларни архив директорига бериш учун олганини айтиб, ихтиёрий равишда тадбирда иштирок этади. Директор билан телефонда боғланади. Келишилган жойда ундан пулларни олган А.Муллаев ҳам жиноят устида ушланади.

Суд ҳукми билан А.Муллаев ҳамда пора олишда востачилик қилган К.Расуловга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк

2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан куйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Анджон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарход филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- микдори чекланмаган.

«Асака» банк

сармоянгиз сақланиши
ва кўпайишини кафолатлайди.

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

Банкоматдан пул ўғирлаган банк ходими


Австрия полицияси Каринтия федерал еридаги молявий муассасалардан бирининг банкоматидан 700 минг евро ўғирланиши билан боғлиқ воқеани тафтиш қилмоқда. Терговчиларнинг фикрича, банк хизматчиларидан бири йил давомида ўз бўлимидаги ускуна хавфсизлик тизимини аллаб, ундан пул ўғирлаган.

Полиция терговчилари қаллобик схемасини фош қилиш анча вақт талаб қилишини тан олишмоқда. Хозирда маълум бўлишича, қаллоб банкомат пул кассеталарини тўлдирish чоғида ҳақиқий купюраларни картон бўлаклари билан алмаштириб қўйган ва улар ёрдамида етишмаётган ҳажмини тўлдирган. Пулни нақдлаштириш операцияси чоғида банкомат мижозларга ҳақиқий пул чиқариб берган, навбат картон бўлақларига келганида эса ускуна маблағ етишмаётгани ҳақида сигнал берган.

Шунингдек, бу қилмишни содир этган шахс инкассация учун қопларни бериб юборишда йирик номиналли купюраларни майда номиналлиларига алмаштириб қўйган.

Бир йил давомида банкнинг бошқа ходимлари ушбу қаллобик тизимини сезишмаган. Ўз навбатида, фирибгар шу йўл билан топган пулларини казинода совурган.

Йирик пул етишмовчилиги аниқланганидан сўнг молявий муассасада ички текширув ўтказилиб, фирибгарлик фош этилди. Номини келтирилмаётган шахс айбини тан олди ва ҳозир тергов қилинмоқда.



4 ёшли қизчанинг қилмиши

АҚШ Индианаполис шаҳрида (Индиана штати) 4 ёшли қизча уйдан топиб олган қуроли билан ўзи ва онасини шикастлади. Бу ҳақда Ассошиэйтед Пресс агентлиги хабар берган.



Отанинг сўзларига кўра, қизча аввалига ўз юзига, кейин онасининг энсасига отган. Уларнинг иккиси ҳам шифохонага олиб борилган. Қурол нима билан ўқлангани маълум эмас. Хабар қилинишича, ходиса рўй берган вақтда уйда бўлган болалар жабрланмаган. Полиция ушбу ҳолат юзасидан текширув бошлаган.

Халқаро ҳаёт

Туркиядаги энг машҳур мушук ҳисобланган Томбили ҳайкали номаълум кимсалар томонидан Истанбулда ўғирлаб кетилган эди. Мазкур ҳайкал ўғирлар томонидан яна ўз жойига қайтариб қўйилган. Бу ҳақда РИА "Новости" хабар бермоқда.

Ўғирланган ҳайкал жойига қайтарилди

Унинг қайтарилгани ҳақидаги хабар мушукнинг "Фейсбук" - даги саҳифасида маълум қилинган.

"Шу кеча ўғирланган мушукни жойига қўйиб кетишди. Улар билан ҳеч қанақа муаммо йўқ. Гам-хўрлигингиз учун ташаккур билдирамиз", дейлади Томбилининг ижтимоий тармоқдаги саҳифасида.

Anadolu агентлигининг маълум қилишича, ҳайкални биров тиклаш ва ўз ўрнига қайта жойлаштириш керак бўлади. Эслатиб ўтамиз, ўғирланган ҳайкал муаллифи — ҳайкалтарош Севал Шахин. У мушук ҳайкалини бронзадан безул ясаб берган. Томбили ҳайкали октябрь ойида у яшаган Қадикўй округида (Истанбул) очилган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Самарқанд вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Умир Тўхтамишовга падари бузруквори

ИСМАТ ОТАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Мирзо Улуғбек туман прокурорининг ёрдамчиси

Жамшидбек АБДУРАИМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Qishloq Qurilish Bank

Намунавий лойиҳалар асосида қурилайётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан жорий қилинган омонат турларини тақлиф этамиз.

“Мадад” – маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади;

“Қурилишга бошланғич бадал” – муддати – 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган



AGROBANK

Fitch Ratings

халқаро рейтинг
агентлиги 2016 йил 16 ноябрда

“Агробанк”
акциядорлик тижорат банкининг
халқаро рейтингини

“Барқарор”
деб баҳолади



Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Gulnoza RAHIMOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85
E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taqriz
qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko'chirib
bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi
ko'rsatilishi shart.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni
uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma s-7509. 37 917 nusxada bosildi.
Og'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Nabatchi muharrir: G'ALIMOV
Sahifalovchi: S.BABAJOV
Nabatchi: O'.DEHONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 12 345 678 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonada: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda O'198-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004